

Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши курашиш
қўмитасининг 23.07.2020 йилдаги
604/02-11-сон хатига илова

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА № 29

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ташаббускорлик асосида.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Ер майдонларини ўзлаштириш ва қисқа муддатларда ишлов бериш ҳамда пахта теришни механизациялаш учун “Indorama Agro” МЧЖ ХК томонидан унумли қишлоқ хўжалиги техникалари, шу жумладан 4 та пахта териш машиналари тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан ҳамда “Pahtakor Tex” МЧЖ томонидан 10 та юқори унумли пахта териш машиналари кластернинг ўз маблағлари, шунингдек жалб этилган хорижий кредит линиялари маблағлари ҳисобидан харид қилинишини инобатга олиниб 2021 йил 31 декабрга қадар божхона божидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этиш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

**тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – “Indorama Agro” МЧЖ ХК,
“Pahtakor Tex” МЧЖ;**

**давлат органлари гуруҳи – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт
ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия
вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси, Қашқадарё ва
Жиззах вилоятлари ҳокимлари;**

**бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – “Ўзтўқимачиликсаноат”
уюшмаси.**

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хукуклари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Қарор лойиҳасининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси, Қашқадарё ва Жиззах вилоятлари ҳокимларининг “Indorama Agro” МЧЖ ХК ва “Pahtakor Tex” МЧЖ пахта тўқимачилик кластерлари тўғридан-тўғри тузилган шартномаларига асосан иловадаги рўйхатга мувофиқ олиб кириладиган қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмларини:

2021 йил 31 декабрга қадар божхона божидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этиш;

қўшилган қиймат солиғини тўлашни 270 кун муддатга кечиктириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилиши қўрсатилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3756-сон қарорида солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан **умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, худудлар учун берилиши**, шунингдек, аниқ мақсадга эга бўлиши ҳамда аниқ ижтимоий, иқтисодий ва молиявий натижаларга эришишни таъминлаши зарурлиги, вақтинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан **3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши, индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда** ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият қўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар**, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериши **тақиқланган**.

Шунга асосан, қарор лойиҳасининг **2-банди қонунчилик талаблари**га зид ҳисобланади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур қарор лойиҳаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сон қарори талабларига зид эканлигини инобатга олиб, қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас ҳисобланади.